

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

АСАТОВ САЙИТКУЛ РАҲИМБЕРДИЕВИЧ

**СУВ ТАНҚИСЛИГИДА БУХОРО ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН
ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ-ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ
ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.13 – «Тупроқшунослик»

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of biological sciences

Асатов Сайиткул Раҳимбердиевич

Сув танқислигида Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларнинг
мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш йўллари 3

Асатов Сайиткул Раҳимбердиевич

Пути улучшения эколого-мелиоративного состояния орошаемых почв
Бухарского оазиса при дефиците воды..... 21

Asatov Sayitkul Rahimberdiyevich

The ways to improve the ecological and meliorative state of the irrigated soils
of Bukhara oasis in case of water shortage 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

АСАТОВ САЙИТКУЛ РАҲИМБЕРДИЕВИЧ

**СУВ ТАНҚИСЛИГИДА БУХОРО ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН
ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ-ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ
ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.13 – «Тупроқшунослик»

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/B253 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиалида (ТИҚХММИ БФ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.Ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рамазонов Абит

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жаббаров Зафар Абдукаримович

биология фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Ахмедов Алмон Усмонович

кишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «22» 09 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+998) 71-246-09-50; факс: (+998) 71-246-76-00; e-mail: info@soil.uz)

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+998) 71-246-15-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «30» 08 куни тарқатилди.
(2021 йил «30» 08 даги №3 -рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Бобомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

Ж.М.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
катта илмий ходим

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «дунё ер фондининг асосий муаммолари тупроқлар унумдорлигининг камайиши, тупроқ эрозияси, уларнинг ифлосланиши, биологик ҳосилдорлигининг йўқолиши, суғориладиган майдонларнинг шўрланиши ва ботқоқланишидир. Ҳисоб-китобларга қараганда инсоният ҳозирга келиб 2 миллиард гектар ҳосилдор ерларни йўқотиб бўлди, жумладан, биргина эрозия сабаб ҳар йили дунё бўйича қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 5-6 миллион гектар, шўрланиш ва ботқоқланиш сабабли 1,5 миллион гектар ер майдонлари қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетмоқда»¹. Шу сабабли суғориладиган ерларнинг самарадорлигини ошириш, тупроқ қопламнинг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш, деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш, уларни олдини олиш ва унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини ва уларнинг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини аниқлаш, дегумификация, сувга чидамли донадор структуранинг йўқолиши, зичлашиш, сув-туз мувозанатини мақбуллаштириш, иккиламчи шўрланиш, эрозия ва бошқа салбий жараёнларнинг олдини олиш, мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада тупроқларни сув-физикавий, технологик, агрокимёвий хоссаларини ва мелиоратив ҳолатини баҳолаш, ҳудудларни тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган агро-мелиоратив, агротехник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва оширишга доир тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, иккиламчи шўрланиш жараёнларига қарши курашда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш орқали илмий асосланган деҳқончиликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли мелиоратив чора-тадбирлар ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»² бўйича вазифалар белгилаб берилган. Шу боис, республикамыз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқларнинг сув-туз мувозанатини, сизот

¹ <https://hozir.org/jahon-qishloq-xojaligiga-umumiy-tarif.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасини барқарорлаштириш, тупроқларнинг экологик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва шу асосда агромелиоратив чора-тадбирларни табақалаштирилган ҳолда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолати, иккиламчи шўрланиш, сув-туз режими ва унинг ўзгариши, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича чет эллик олимлардан Н.Г.Минашина, В.А.Ковда, Л.П.Розов, Г.С.Куст, А.Д.Воронин, Е.В.Шейн, Г.В.Добровольский, М.А.Мазиров, А.С.Сапаров, Н.Н.Мельников, Э.Хайниш, В.А.Бреев, М.Э.Логвиненко, И.Тсанли, К.А.Гарлар, ўзбекистонлик олимлардан М.А.Орлов, И.Н.Фелициант, С.Н.Рыжов, М.У.Умаров, О.К.Комилов, Қ.М.Мирзажонов, М.А.Панков, Ж.С.Сатторов, О.Р.Рамазонов, Х.Т.Рисқиева, Л.Турсунов, Х.Х.Турсунов, Р.Қ.Қўзиев, Г.Юлдашев, А.Ҳ.Абдуллаев, Ў.Тожиев, И.Т.Туропов, Қ.Ғофуров, С.А.Абдуллаев, С.О.Азимбоев, В.Ю.Исақов, М.М.Ташқўзиев, Л.А.Гафурова, Р.Курвантаев, Ш.М.Бобомуродов, Ш.Т.Холиқулов, Н.Ю.Абдурахмонов, З.А.Жаббаров, Х.Н.Каримов, Х.Т.Ортиқова, И.У.Уразбаев, А.У.Ахмедов, А.Ж.Исмановлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин сув танқислиги шароитида Бухоро вилояти суғориладиган тупроқларининг иккиламчи шўрланиши, сув-туз мувозанати, сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасини аниқлаш, ҳозирги даврдаги мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №ҚХ-А-2018-300 «Сув танқислигида суғориладиган ерларда экологик-мелиоратив жараёнларни бошқаришнинг илмий асослари ва ташкилий-технологик усуллари яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018–2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сув танқислиги шароитида Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг мелиоратив-экологик ҳолатида содир

бўлаётган жараёнларни аниқлаш ва уларни яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган ерларда сизот сувлари чуқурлиги ва минераллашганлик даражасини тупроқнинг мелиоратив ҳолатига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш;

коллектор-зовур сувлари оқими ва уларнинг минераллашганлик даражасини таҳлил қилиш;

воҳа суғориладиган тупроқларида табиий ва антропоген омиллар таъсирида кечаётган шўрланиш жараёнлари ўзгаришини аниқлаш;

суғориладиган тупроқларнинг сув-туз мувозанатини аниқлаш;

суғориш ва зовур сувларидаги заҳарли моддалар миқдорини ўрганиш;

суғориладиган тупроқларнинг қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган заҳарли моддалар билан ифлосланиши даражасини аниқлаш ва улар асосида ҳудуд тупроқларининг экологик ҳолатини баҳолаш;

Бухоро воҳасидан танланган таянч ҳудудларнинг 1:10 000 масштабни «Тупроқ шўрланиши картограммалари»ни тузиш, шу асосда суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро воҳасида тарқалган қадимдан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқлардаги озика элементлари миқдори, мелиоратив-экологик ҳолати, иккиламчи шўрланиш жараёнлари, сув-туз мувозанати, сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражаси, тупроқдаги заҳарли моддалар миқдори ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажаришда солиштирма, генетик-географик ва кимёвий–аналитик услублардан фойдаланилган. Дала-тупроқ тадқиқотлари, камерал-аналитик ишлари ТАИТИ, ПСУЕАИТИ, ИСМИТИ ларида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услублар, жумладан, «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома», «Методы агрохимических анализов почв и растений» услублари асосида бажарилган. Олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг дисперсион статистика услубида ҳисобланган. Тупроқ шўрланиш картограммасини яратишда ArcGIS дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳудуд тупроқларидаги ҳамда суғориш ва коллектор-зовур сувларидаги ифлослантирувчи пестицидлар, оғир металллар ва биоген моддаларнинг трансформацияланиш кўрсаткичлари аниқланган;

ҳудуд суғориладиган тупроқлари таркибидаги оғир металлларнинг миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич $Cr \rightarrow Fe \rightarrow Zn \rightarrow Cu$ кетма-кетлигида эканлиги аниқланган;

сизот сувлари сатҳини кўтарилиши ва минераллашганлик даражаси ҳудуднинг шарқий қисмидан ғарбига қараб ортиб бориши иккиламчи шўрланишга сабаб бўлаётганлиги исботланган;

худуднинг суғориш ва зовур сувлари оқими таъсирида тупроқларга кириб келадиган ва улардан чиқиб кетадиган сув-туз мувозанати ишлаб чиқилган;

ўсимликларга салбий таъсир кўрсатадиган захарли тузларнинг (Na_2CO_3 , NaHCO_3 , NaCl , CaCl_2 , Na_2SO_4 , MgCl_2 , MgSO_4) худудлардаги тупроқларда тўпланиш жараёнининг вақт (муддат), макон (жой) ва коллектор-зовурларнинг зичлигига боғлиқлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сув танқислигида суғориладиган тупроқларнинг хосса-хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар асосида тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилашга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

тупроқларнинг шўрланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда агро-мелиоратив тадбирларни ўтказиш, жумладан, шўр ювиш меъёрлари, муддатлари ва сонини тўғри белгилаш мақсадида таянч массивларнинг 1:10 000 масштаби шўрланган тупроқлар картограммалари тузилган;

тупроқ шўрланиш картограммалари асосида ўтказилган мелиоратив тадбирлар натижасида ғўзадан 3–7 ц/га қўшимча ҳосил олинган, шу билан бирга тупроқнинг мелиоратив-экологик ҳолати яхшиланиши ҳисобига рентабелликни 8 фоизга оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда, умумқабул қилинган стандарт услубий қўлланмалар асосида бажарилганлиги, олинган маълумотларни кўп омилли компьютер дастури ва статистик усуллар ёрдамида математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги, олинган назарий ва амалий натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, қилинган хулоса ва тавсияларни илмий асосланганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналларида илмий-тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги ҳамда илмий ва амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги илмий ишнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқлари профилида шўрланиш жараёнлари ҳамда тупроқлар сув-туз мувозонатининг ўзгариши ва йўналиши, тупроқ, суғориш ва коллектор-зовур сувлари оқими тизимида пестицидлар, оғир металллар ва биоген моддаларнинг трансформацияланишини тавсифловчи миқдор кўрсаткичлари, сувда эрувчан тузлар миқдори ва захираларига асосланган ҳолда шўр ювиш муддатлари ва меъёрлари белгиланганлиги, тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланиши даражаларининг аниқланганлиги, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтириш йўллари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, сув танқислигида тупроқларнинг шўрланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда агро-мелиоратив тадбирларни ўтказиш учун тузилган шўрланган тупроқлар картограммалари ҳамда тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини

яхшилаш йўлларига доир ишлаб чиқилган амалий тавсиялар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мавжуд бўлган экологик ва мелиоратив жараёнларни мақсадли бошқарилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув танқислигида Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сув танқислигида Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар» Бухоро вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 21 июлдаги №03-05-6742-сон маълумотномаси). Натижада, воҳа суғориладиган тупроқларининг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш, тупроқлар унумдорлигини тиклаш ва муҳофазалаш бўйича қўлланма сифатида хизмат қилган;

1:10 000 масштабдаги «Тупроқ шўрланиши картограммалари» Қоракўл тумани «Ўзбекистон» ва Ромитан тумани «Халқобод» массивларининг 3889,3 гектар суғориладиган ер майдонларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 21 июлдаги №03-05-6742-сон маълумотномаси). Натижада, шўрланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда шўр ювиш меъёрлари, муддатлари ва сонини тўғри белгилаш ҳисобига сифатли шўр ювиш орқали тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, пахта ҳосилдорлигини гектарига 3–7 центнерга, рентабеллик даражасини 8 фоизга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шундан 1 та тавсиянома нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги очиқ берилган, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот

натижаларининг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги ва апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини баҳолашнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида республикамиз ҳамда жаҳонда суғориладиган тупроқлар мелиоратив ҳолатининг бугунги кунда ўрганилганлик даражаси, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва юқори ҳосил олиш, бу соҳани модернизация қилиш, суғориш ва мелиорация ишларини тўғри олиб бориш, ўсимликшунослик ва деҳқончиликнинг сўнгги ютуқларини жорий этиш билан бир қаторда ўғитлар ва пестицидлардан меъёрида фойдаланиш, зараркунанда ва касалликларга қарши кимёвий воситаларни қўллаш, суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш, шўрланиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш, тупроқ экологик ҳолатини барқарорлаштириш, унга турли табиий ва антропоген омилларнинг таъсири, тупроқнинг оғир металллар билан ифлосланиши, уни келтириб чиқарувчи омиллар, тупроқ шўрланиши ва уни тупроқ экологиясидаги ўрни бўйича олинган маълумотлар, тупроқ ва сувлар таркибидаги тузларни камайтириш, мелиоратив-гидрогеологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилган кўп омилли дала, ишлаб чиқариш тадқиқотларининг натижалари бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган.

Тадқиқотларда олинган маълумотлар ўз навбатида сув танқислигида тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ғўза ҳосилдорлигини кўпайтиришга қаратилган бўлиб, тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш йўллари етарлича ёритилмаганлиги таҳлиллар асосида очиб берилган.

Диссертациянинг «**Бухоро воҳасининг табиий тупроқ-иқлим ва хўжалик шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида объектнинг географик ўрни ва ҳудуд тўғрисидаги умумий маълумотлар, иқлим шароити, геологик, литологик, геоморфологик ва гидрогеологик шароитлари, тупроқ мелиоратив ҳолати, коллектор-зовур тармоқлари, ер фонди ва ундан фойдаланиш, тадқиқот объекти ва услублари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Бухоро воҳаси Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган бўлиб, у ўзига хос 3 та геоморфологик ҳудудга бўлинади: Навоий-Конимех, Бухоро ва Қоракўл. Бу 3 та геоморфологик ҳудудлар ерларини илгари Зарафшон дарёси сув билан таъминлаган. Бухоро вилоятининг умумий майдони 4173,1 минг гектар бўлиб, суғориладиган ерлари 274,9 минг гектарни ташкил этади.

Бухоро вилояти субтропик ва мўътадил иқлим минтақаларининг шимолий чегарасида жойлашган бўлиб, куёш радиацияси оқимининг юқори даражаси, ер юзаси ва атмосфера циркуляцияси хусусиятлари билан биргаликда ҳаво ҳароратининг мавсумий ва суткалик катта тебранишлари, давомли қуруқ ва иссиқ ёзи, нам баҳор ва беқарор қиши билан

ҳаракатланадиган континентал типини вужудга келтирган. Вилоятнинг кўпчилиги туманларида июлнинг ўртача ҳарорати $+28^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлиб, Когон ва Қоровулбозор туманларида эса $+30^{\circ}\text{C}$ гача етади. Ҳароратнинг мутлоқ максимуми $+44-46^{\circ}\text{C}$, январнинг ўртача ҳарорати шимолда -8°C дан жанубда 0°C гача ортади, минимал ҳаво ҳарорати -18°C га етади. Воҳада совуқсиз даврлар 205–220 кунни, шамолсиз даврлар эса 90–100 кунни ташкил этади. Вегетация давридаги мусбат ҳаво ҳарорати 4700 дан 4800⁰ C гача ўзгариб туради, самарали ҳарорат эса 2600-2700⁰ C ни ташкил қилади. Атмосфера ёғинларининг ўртача йиллик миқдори 98-144 миллиметрни ташкил этади, ёғинларнинг асосий қисми қиш ва баҳор ойларига тўғри келади.

Геологик нуқтаи назардан Бухоро вилояти ҳудуди эгарсимон тузилишда бўлиб, қалинлиги 400 метрга етадиган континентал ётқизиклар билан тўлдирилган. Улар ҳамма ерда кенг тарқалган палеоген даврининг денгиз гиллари устида ётади. Сизот сувлари чуқурлиги 1,5–3,0 метр. Оқим йўналиши шимолий-ғарбга томон, нишаблиги 0,001–0,004. Сизот сувларининг кимёвий таркиби воҳанинг юқори қисмида гидрокарбонатли ва гидрокарбонат-сульфатли, марказий қисмида сульфатли, чекка қисми ва сахро-чўлларида сульфат-хлоридли ва хлорид-сульфатли. Ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ва иссиқ кунларнинг кўп бўлиши, ер юзасига яқин жойлашган сизот сувларининг эвапотранспирацияга кўп сарфланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида аэрация зонасида туз миқдорининг кескин ошишига сабаб бўлади. Оқибатда суғориладиган майдонларда шўрланиш қайта тикланади.

Бухоро ва Қоракўл дельталарининг суғориладиган майдонларида асосан эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, чўл зонасининг ўтлоқи-чўл ва ўтлоқи-тақир тупроқлари тарқалган. Суғориладиган тупроқларнинг механик таркиби енгил, ўрта ва оғир қумоқлидан, қумли ва қумлоқларгача ўзгариб, пастки қатламлар асосан, ўрта ва енгил механик таркибдан иборат. Экологик-мелиоратив жараёнлардаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида стационар кузатувлар алоҳида танланган массивлар ҳудудида ўтказилди, уларнинг тупроқ қоплами, асосан, эскидан суғориладиган ўтлоқ-аллювиал тупроқлардан иборат. Тупроқ намуналарининг аналитик маълумотлари таҳлилига кўра, тупроқларнинг юқори (0–100 см) қатламида физик лой ($<0,01$ мм) заррачалар миқдори 21,3 дан 43,6 фоизгача. Қоракўл туманининг айрим жойларида қумли ва енгил қумоқ механик таркибли тупроқлар мавжуд, улар қумлоқ ва лойли қатламлар билан алмашиб келади.

Агрокимёвий таҳлиллар натижасига кўра, воҳа суғориладиган тупроқлари гумуснинг оз миқдорга эга эканлиги билан изоҳланади, бу ҳолатни тупроқ профилида унинг тақсимланиши бўйича кузатиш мумкин. Ҳайдалма қатламдаги гумуснинг миқдори 0,8–1,4%, азот 0,06–0,12%, умумий фосфор 0,11–0,18 фоизни ташкил қилади. Ўзлаштириладиган ҳаракатчан фосфор миқдори 1 кг қуруқ тупроқда 8–13 миллиграммни, алмашинувчи калий миқдори 120–150 мг/кг ни ташкил қилади. Ўрганилган тупроқ таркибида гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) айрим жойларда тупроқ юзасидан 70–80 см чуқурликда бўлиб, улар миқдори кам (0,1–0,8%). Тупроқларда CO_2 карбонатлар миқдори 4,5 фоиздан 8,5 фоизгача ораликда тебраниб туради ва

уларнинг тупроқ профилидаги тарқалишида ҳеч қандай қонуният кузатилмади. Карбонатлар таркибидаги CaCO_3 нинг улуши умумий миқдорининг 85–90, MgCO_3 10–15 фоизни ташкил этади.

Бухоро воҳасидаги мавжуд коллектор-зовур тармоқларининг умумий узунлиги 78217,8 км (230,27 минг га) бўлиб, шундан очиқ коллекторлар 77216,4 км (214,77 минг га) ни, ёпиқ ётиқ зовурлар эса 1001,4 км (15,5 минг га) ни ташкил этади. Шунингдек ер ости босимли сувлар сатҳи юқори бўлган майдонларда 612 дона (42,4 минг га) мелиоратив тик қудуқлар ишламоқда. Ушбу тармоқлар орқали 2015–2019 йилларда воҳа ҳудудидан олиб чиқилган сизот сувларининг сарфи: 2015 йилда –2453,68 млн. м^3 , 2016 йилда –1959,40 млн. м^3 , 2017 йилда –2348,05 млн. м^3 , 2018 йилда эса –2304,48 млн. м^3 ни ташкил қилган.

Тадқиқотлар учун асосий объект сифатида Бухоро вилояти Қоракўл тумани «Ўзбекистон» массиви ва Ромитан тумани «Халқобод» массивларининг суғориладиган ерлари танланди. Умумий майдонларнинг ҳар бирида тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ва шўрланиш даражалари, унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, кузатув майдончалари белгиланди. Дала шароитида таянч кесмаларининг морфологик белгилари ёзилиб, генетик қатламлардан тупроқ намуналари олинди, шунингдек, алоҳида танланган ҳудудлардан 0–30 см ва 0–100 сантиметргача қатламлардан тупроқ намуналари олиниб, кимёвий таҳлиллар ўтказилди. Тупроқнинг мелиоратив–экологик ҳолатига тўлиқ баҳо бериш мақсадида суғориш сувлари ва коллектор–зовур сувларидан ҳам намуналар олиниб таҳлил қилинди. Юқорида келтирилган тупроқларнинг таркиби ва хосса-хусусиятларини ўрганиш учун тупроқшуносликда умумқабул қилинган услублардан фойдаланилди. Лаборатория шароитида генетик қатламлардан олинган тупроқ намуналарида куйидаги усулларда таҳлил қилинди: тупроқнинг механик таркиби –Н.А.Качинский усулида; ҳажм массаси–метал цилиндр ёрдамида ($V=100 \text{ см}^3$); тузлар миқдори сувли сўрим; SO_4 гипс - 0,2 Н. HCl эритмаси ёрдамида SO_4 ионини сиқиб чиқариш; CO_2 карбонатлар–ацидиметрик; гумус–И.В.Тюрин; умумий азот–В.П.Мачигин–Кьельдаль; умумий фосфор ва калий–бир намунада Мешеряков; ҳаракатчан шаклдаги фосфор ва калий (Р, К) –В.П.Мачигин; катионларнинг сингдириш сифими ва сингдирилган катионлар таркиби–Пфеффер услуги бўйича таҳлил қилинди. Тупроқ ва сувдаги пестицидлар миқдори ИСМИТИда кенг қўлланиладиган газ суюқликли хроматография усулида «Газохром–1109», ЛХМ–80, «Газохром–3700» электрон ўлчовчи детекторлар ёрдамида аниқланди. Шунингдек, оғир металлар: –темир миқдори совуқда темир ионини кислотали муҳитда калий перманганат билан оксидланишига асосланган ҳажмли усул билан; –мис миқдори колориметрик усул билан; –руҳ миқдори дитизон усул билан аниқланди. Биоген моддалардан–нитритларни аниқлаш учун фотометрик усулдан фойдаланилди; –нитрат фенолдисульфокислота билан колориметрик усулда аниқланди; –аммоний иони Несслер реактивидан фойдаланиб, колориметрик усул билан;–фосфатларни аниқлаш учун

мураккаб фосформолибден кислотаси ҳосил бўлишига асосланган колориметрик усулдан фойдаланилди.


Диссертациянинг «Суғориладиган тупроқлар экологик ҳолати тафсилотлари» деб номланган учинчи бобида суғориш ва коллектор-зовур сувларидаги захарли кимёвий моддалар миқдори, тупроқнинг қолдиқ пестицидлар билан ифлосланиши ва улар миқдорининг ўзгариш динамикаси, тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланиши ҳамда тупроқлардан биогаз моддаларнинг олиб чиқилиши каби масалалар ёритилган.

Суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолатига баҳо бериш мақсадида 2016 ва 2018 йилларда Қорақўл тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Қораун ариғи, ички хўжалик суғориш канали, хўжаликлараро ва хўжалик ички коллектор-зовур сувлари кимёвий таркиби ҳамда суғориш ва коллектор-зовур сувларининг пестицидлар ва бошқа элементлар билан ифлосланиш даражасининг ўзгаришларини кузатиш ишлари амалга оширилди. Суғориш сувининг кимёвий таркиби маълумотларини таҳлил қилиш қуйидаги келтирилган рақамларда ўз аксини топган. Куруқ қолдиқ бўйича жами тузлар миқдори 940–8360 мг/л ни ташкил қилгани ҳолда, минераллашганлик даражасига кўра камайиб борувчи тартибда анионлар қуйидаги миқдорда аниқланди: сульфат иони–219,74–274,88 мг/л, бикарбонатлар (HCO_3) –158,6–244,0 мг/л, хлор иони–95,57–138,68 мг/л. Катионлар бўйича эса натрий ионининг миқдори нисбатан юқори–181,0–106,0 мг/л. Кўриб чиқиладиган коллекторлар кесимида энг юқори минерализация миқдори хўжаликлараро коллекторда аниқланиб, оқимнинг минераллашуви энг юқори кўрсаткичлари 2016 йилда 41,536 г/л, 2018 йилда 13,188 г/л миқдоридан кузатилди.

Бухоро воҳасининг баъзи коллектор-зовур сувлари аналитик таҳлиллари маълумотларининг кўрсатишича, 2015–2018 йилларда пестицидлардан кам миқдордаги альфа гексохлорциклогексан (α -ГХЦГ) ва гамма гексахлороциклогексан (γ -ГХЦГ) мавжуд. 2016 йилда Бош Қорақўл коллекторининг сувида альфа гексохлорциклогексан (α -ГХЦГ) нинг энг кам миқдори – 0,002 мг/л, Чорбакир коллекторида энг юқори миқдори–0,090 мг/л бўлган. Шунингдек, лаборатория таҳлилларида ўрганилган даврда Марказий Бухоро ва Парсанкўл коллекторларида мос равишда – 0,045 ва 0,068 мг/л гача пестицидлар мавжудлиги аниқланди. 2018 йилдаги такрорий лаборатория таҳлилларга кўра, α -ГХЦГ пестицидлари хўжаликлараро коллектор сувида нисбатан юқори–0.014 мг/л, Бош Қорақўл коллекторида ДДЕ ва ДДТ мос равишда 0,001 мг/л ва 0,003 мг/л миқдорларда мавжудлиги қайд қилинди. Бу пестицидларнинг излари хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллекторларнинг сувларида ҳам кам миқдорда учрайди.

Ўрганилган тупроқларнинг экологик ҳолати таҳлил қилинганда танланган ҳудудлардан олинган тупроқ намуналаридаги қишлоқ хўжалигида ишлатилиб келинган айрим пестицидлар миқдори аниқланди. Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Бухоро воҳасининг суғориладиган ўтлоқли-аллювиал тупроқлари кўпчилик ҳолларда α -ГХЦГ, γ -ГХЦГ, ДДЕ ва ДДТ каби пестицидларнинг рухсат этилган

миқдордан (0,1 мг/кг) пастроқ ва умуман олганда уларнинг тупроқ, суғориш ва зовур сувлари тизимидаги экологик вазиятга салбий таъсири нисбатан кам. Фақатгина 1004-кесмадан олинган тупроқларда пестицидлардан гамма гексохлорциклогексан (γ -ГХЦГ) рухсат этиладиган миқдор (РЭМ) дан бир неча баробар юқори эканлиги аниқланди. Ўтказилган лаборатория аналитик натижаларини таққослаш ва уни таҳлиliga кўра аниқланган пестицидларнинг миқдори 1-расмда келтирилган.



1-расм. Қадимдан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлардаги пестицидлар миқдорининг ўзгариши

Тупроқларнинг экологик ҳолатини ўрганишда, улар таркибидаги металллар миқдорини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Кузатишлар натижалари ўрганилган тупроқ профилида оғир металллардан хром элементи энг кўп миқдорда эканлигини кўрсатди, 2016 йилда 0–10 сантиметрли тупроқ қатламида Сг (хром) миқдори 21,30–26,70 мг/кг ва 10–30 смда нисбатан кўпроқ 27,50–31,20 мг/кг га тенг бўлган бўлса, 2018 йилда эса мос равишда 26,20–37,50 ва 31,40–40,60 мг/кг га тенг бўлди. 2016 йилда 0–10 смли қатламда темир (Fe) моддасининг миқдори 18,00–25,00 мг/кг бўлган бўлса, 10–30 смда 25,00–28,50 мг/кг миқдорда қайд этилди. 2018 йилда яна такроран аниқланганида, тупроқдаги темир миқдори 0-10 сантиметрда камайиш кузатилган ва 16,70–23,30 мг/кг оралиғида ўзгарган ҳамда 10–30 сантиметрда эса 21,50–26,30 мг/кг миқдорда борлиги аниқланди. Худди шу даврларда Zn (рух) нинг миқдори мос равишда 2016 йилда 0–10 сантиметрли тупроқ қатламида 2,20–5,00 мг/кг ва 10–30 сантиметрда эса 2,40–5,50 мг/кг га тенг бўлган бўлса, 2018 йилдаги такрорий таҳлилларда рух мос равишда 0–10 сантиметрли тупроқ қатламида 2,10–3,80 мг/кг ва 10-30 сантиметрда 2,70–4,10 мг/кг га тенг бўлди. Тупроқдаги мис (Cu) миқдори нисбатан камроқ

2016 йилда 0–10 сантиметрли тупроқ қатламида 0,30–0,80 мг/кг бўлган бўлса, 10–30 сантиметрда 0,32–1,0 мг/кг миқдорида аниқланди. 2018 йилдаги такрорий таҳлилларда унинг миқдори 0–10 сантиметрда 0,27–0,65 мг/кг гача ва 10-30 сантиметрда 0,29-0,75 мг/кг гача камайганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Қадимдан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлардаги баъзи металллар миқдорининг 2016–2018 йиллардаги ўзгариш динамикаси, (мг/кг)

Кесма рақами, жой номи	Қатлам қалин лиги, см	Fe		Cu		Zn		Cr	
		2016	2018	2016	2018	2016	2018	2016	2018
1001 Ўзбекистон массиви	0-10	18,00	16,70	0,80	0,30	4,10	3,10	21,30	28,00
	10-30	25,00	21,50	1,00	0,64	4,70	3,70	27,80	33,20
1002 Ўзбекистон массиви	0-10	23,00	19,20	0,90	0,65	5,00	3,80	23,60	26,20
	10-30	25,00	22,70	0,93	0,75	5,50	4,10	29,90	35,00
1003 Ўзбекистон массив	0-10	26,00	24,35	0,91	0,63	2,20	3,30	26,70	37,50
	10-30	27,50	26,30	0,80	0,65	2,40	3,90	31,20	40,60
1004 Халқобод массив	0-10	24,00	21,30	0,60	0,43	3,00	2,90	22,80	27,50
	10-30	28,50	24,50	0,66	0,48	3,50	3,40	28,40	31,40
1005 Халқобод массиви	0-10	25,00	23,30	0,30	0,27	3,00	2,10	23,60	29,50
	10-30	27,50	25,40	0,32	0,29	3,20	2,70	27,50	32,80

Диссертациянинг «Суғориладиган тупроқларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати ва уни яхшилаш йўллари» деб номланган тўртинчи бобида ер ости ва коллектор-зовур сувларининг минераллашганлик даражаси, суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражаси бўйича ўзгариш динамикаси, сув-туз балансининг айрим кўрсаткичлари ва тупроқларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш масалалари ёритилган. Бухоро воҳаси ер ости сизот сувларининг шўрланиш типи асосан хлорид-сульфатли бўлиб, ўзининг турлича минераллашганлик даражаси билан ажралиб туради. Бухоро тумани ҳудудида 2016 йил баҳорида (апрел ойида) 12 гектар майдонда ер ости сувларининг 0–1 м чуқурликда жойлашганлиги аниқланди. 2017 йилда ер юзасидан 0–1 м чуқурликда ер ости сувлари бўлган суғориладиган майдонларининг кескин ўсиши (935 гектар) қайд этилди. 2016 йилда ер ости сувларининг 1–1,5 м чуқурликдаги майдони 775 гектарни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 1967 гектар майдонларда кузатилди. 2016 ва 2018 йиллар баҳорида ер ости сувларининг чуқурлиги 3 метрдан пастда жойлашган ер майдонлари Бухоро туманида аниқланмади. Олинган маълумотларни таққослаш натижаси Қоракўл, Олот, Жондор, Ромитан туманлари суғориладиган майдонларида ер ости сувлари асосан 1,5–2 ва 2–3 м чуқурликда жойлашишини кўрсатди. Умуман 2016–2018 йиллар баҳорида ер ости сувлари сатҳи 1,5–2 м чуқурликдаги майдонларнинг кўпайиши ҳисобига ер ости сувлари сатҳи 2-3 м ва 3–5 м чуқурликдаги ҳудудларнинг камайиши тенденциясини кўришимиз мумкин.

Бухоро воҳаси ҳудудида ер ости сувлари минерализацияси куруқ қолдиққа нисбатан 1 г/л бўлган майдонлар аниқланмади, умуман 2016–2018

йиллар мобайнида, ер ости сувлари минераллашуви 1–3 г/л бўлган майдонларнинг кенгайиши умумий тенденцияси кузатилди. 2016 йилда бундай минерализацияга эга бўлган майдонлар 15153 гектарни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 29110 гектаргача ортганлиги кузатилди. Гарчи 2018 йилга келиб, ер ости сувлари шўрлиги 3–5 г/л куруқ қолдиққа эга бўлган ерларнинг кескин ўсиши кузатилган бўлса-да, сўнгги йилларда уларнинг майдони сезиларли даражада камайди. 2016 йилдан ташқари, 5–10 г/л гача шўрланган майдонлар ҳам камайиб бормоқда, 60–127 гектар майдонда 10 г/л дан ортиқ шўрланган ер ости сувлари қайд қилинди. Сизот сувларининг сарфланиши асосан буғланиш ва транспирацияга ҳамда воҳадан ташқарига чиқариб юбориш ҳисобига тўғри келади. Воҳада сизот сувларини ҳудуддан ташқарига чиқариб ташлаш ҳолати қониқарли эмас, зовурларнинг ишлаши яхши ҳолатда эмас. Сизот сувлари капиллярлар орқали юқорига кўтарилиб, тупроқда глейланиш жараёнлари содир бўлишига олиб келади. Воҳа тупроқлари капилляр типга киради, шу сабабли сизот сувлари пастдан юқорига осон кўтарилади, ҳаво эркин ҳаракатлана олмайди ва глейланиш жараёнига шароит яратилади. Бухоро воҳасидаги барча сизот сувлари турли даражада шўрланган бўлиб, тупроқлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига сабаб бўлади.

Бухоро воҳасидаги магистрал коллекторлар сувларининг минераллашганлик даражаси ўртача 2,8 дан 8,8 г/л гача эканлиги кузатилди. Энг юқори минераллашув Жанубий, Бош-Қорақўл, Денгизқўл ва Парсанкул зовурларида қайд этилди. Оғитма, Марказий Бухоро ва Шимолий коллекторлари сувларининг минерализацияси жуда кам–2,0–3,5 г/л ни ташкил қилиб, вегетация ва новегетация даврларида сезиларли фарқ кузатилмайди.

